

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

2024 йил 3 май куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди Ғани Аъзамов МФЙ биносида, сайёр очиқ суд мажлисида

Раислик қилувчи судья: **А.А.Турғунов,**

судья ёрдамчиси Б.Турсунматовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Олмазор туман прокурорининг ёрдамчиси А.Абдузохиров, гумон қилинувчи С.Исомиддинов, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячиси, “FAIR DEFENSE” адвокатлик бюроси адвокати О.Зупаров ҳамда жабрланувчи Д.Юсуповларнинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан

**Исомиддинов Сирожиддин Камолиддинхўжа ўғли (Isomiddinov Sirojiddin Kamoliddinxo`ja o`g`li) –** 03.03.2003 йилда Наманган вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 7-дахаси, 49-уй, 39-хонадонда истиқомат қилувчига

нисбатан **1-1008-2403/227**-сонли жиноят ишени кўриб чиқиб, суд тарафларнинг кўрсатувларини, ишда қатнашаётган прокурор фикрини эшитиб, жиноят иш ҳужжатларини атрофлича текшириб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, 2024 йил 4 январь куни соат 17:00ларда С.Исомиддинов ўзганинг мулкени алдаш, ишончини суистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, Олмазор тумани Жомий кўчаси 299-уй олдида бўла туриб, у ерда бўлган З.Умарованинг ишончига кириб, унинг амакиси Д.Юсуповга тегишли “Brasim Kahwa” маҳсулотини “mc.diny” инстаграм саҳифаси орқали реклама қилиб беришини айтиб, алдаб ундан 800 АҚШ доллар пулларини олиб, берган ваъдасини бажармасдан, олган пулларни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Дастлабки терговда гумон қилинувчи С.Исомиддинов ва жабрланувчи Д.Юсупов ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишени ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Дастлабки тергов даврида гумон қилинувчи С.Исомиддиновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан айб эълон қилинган.

Гумон қилинувчи С.Исомиддинов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишени тугатишни сўради.

Жабрланувчи Д.Юсупов ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, С.Исомиддиновга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд тарафидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган



ҳукукий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ЖК 168-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Д.Юсупов ва гумон қилинувчи С.Исомиддиновнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Олмазор туман прокурорининг ёрдамчиси ва ҳимоячини жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумон қилинувчи С.Исомиддиновнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инobatга олиб, С.Исомиддиновга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Д.Юсуповга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд тарафидан тасдиқлагандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳукуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд ажрим қилади,

### **А Ж Р И М Қ И Л Д И:**

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддасининг 1-қисми билан гумонланувчи Исомиддинов Сирожиддин Камолиддинхўжа ўғлига нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи Д.Юсуповга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳукуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

**Раислик қилувчи судья**  
*Нусхаси аслига тўғри:*

*/имзо/*

**А.Турғунов**

